

“ЎЗБЕКИСТОН ТАРЖИМАШУНОСЛАРИ ФОРУМИ – 2017”

АХБОРОТ ХАТИ

Тошкент давлат шарқшунослик институтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 февралдаги 126-Ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган режада белгиланган тадбирларни амалга ошириш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 17 февралдаги 86-сонли буйруғига биноан **2017 йил 24 ноябрь куни “Ўзбекистон таржимашунослари Форуми – 2017”** мавзусида Республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияси ўтказилади.

Форум таржимашунослик тарихи, таржимачиликнинг ривожланиш тамойиллари, таржима стилистикаси ва танқиди, таҳрир, бадиий таржиманинг лингвомаданий аспекти, замонавий наср ва шеър таржимаси муаммолари, муаллиф услубини қайта яратиш, синхрон таржима соҳасини ривожлантириш, илмий-техникавий ва публицистик матнлар таримаси муаммолари; ўзбек адабиёти намуналарини шарқ халқлари тилларига таржима қилиш, шунингдек, шарқ тилларидан ўзбек тилига бадиий таржимани амалга ошириш билан боғлиқ долзарб муаммолар ҳамда бу борада эришилган ютуқлар доирасида мутахассисларнинг тажриба ва фикр алмашувини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Республикаимиз миқёсида таржимашунослик, таржима назарияси, амалиёти ва танқиди йўналишида изланиш олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар, соҳа мутахассисларини конференцияда қўйидаги йўналишлар бўйича ўз маърузалари билан иштирок этишга таклиф этамиз:

- Таржимашунослик тарихи ва уни ўрганиш масалалари;
- XX аср иккинчи ярми таржимачилигининг ривожланиш тамойиллари;
- Замонавий таржимашунослик фанини ўқитиш истиқболлари;
- Таржима стилистикаси ва танқиди ҳамда таҳрир масалалари;
- Бадиий таржиманинг лингвомаданий аспекти;
- Замонавий наср ва шеър таржима муаммолари;
- Муаллиф услубини қайта яратиш муаммолари;
- Маданиятлараро мулоқот ва таржима муаммолари;
- Хорижий адабиётни аслиятда ўқиш ва таржима қилиш, таржима адабиётини тарғиб қилиш;
- Китобхонлик маданияти ва бадиий таржима маҳорати;
- Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ халқлари тилларига ва шарқ адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилишнинг долзарб масалалари;
- Синхрон таржима соҳасини ривожлантиришнинг дозарблиги;
- XXI асрда илмий-техникавий таржима тараққиёти;
- Публицистик матнлар таржимаси муаммолари;

Муаллифлар мақоланинг қайси йўналишга киритишни аниқ ёзиб қўйишлари зарур.

Мазкур форум ТошДШИда давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилаётган А-1-180 “Таржима ва маданиятлараро мулоқот масалаларига оид ўқув қўлланмалари яратиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида ташкил этилмоқда.

Мақолалар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

5-6 бет ҳажмда, 1 интервалда, (чапдан 3 см, юқоридан 2,0 см, қуйидан 2,0 см, ўнгдан 1,5 см) компьютернинг Microsoft Word муҳаррири, Times New Roman дастурида 14 ўлчамли шрифтда ёзилиши; сарлавҳалар бош ҳарфларда, ундан 3 интервалдан сўнг муаллифнинг исми ва фамилияси тўлиқ, илмий унвони ва илмий даражаси, иш жойи (ташкилот, бўлим, кафедра номи) ва эгаллаган лавозими келтирилади. Мақолаларда манбаларга ҳаволалар [] да матн ичида қўйилиб, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидаги рақам асосида кўрсатилиши шарт. (Масалан, [7, 128.]):

[7] – Саломов Ф., Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. – Т.: Фан, 1961.

Конференция мақолалари алоҳида китоб шаклида нашр қилинади, китобни сотиб олиш ёки тўпламнинг электрон PDF вариантыни бепул олиш мумкин бўлади.

Мақолалар **2017 йилнинг 10 сентябрига қадар** қоғоз ва электрон шаклда ташкилий кўмитага топширилиши сўралади.

Юқоридаги талабларга жавоб бермаган ва кўрсатилган муддатда тақдим этилмаган мақолалар тўпламга киритилмайди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25. ТошДШИ асосий биноси. 7-қават, Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси. Мурожаат учун тел: деканат: (99871) 236-15-54, +99890 9600623 – Хайрулла Ҳамидов “Таржима назарияси ва амалиёти” каф. катта ўқитувчиси. е-mail: nilushka83@yahoo.com